

Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ли Чаосин 19-20 январ кунлари қисқа мuddат билан Тошкентда тўхтаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Элёр Ғаниев билан Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ли Чаосиннинг мулоқоти чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 21 январ, шанба № 11 (2060)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҲАМКОРЛИК КўЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 20 январ кунин Оқсаройда Россиянинг «Газпром» оқиқ ақционерлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари «Газпром» билан ҳамкорлик кўлами йилдан-йил кенгайиб бораётганини таъкидлади. Ёқилги-энергетика мажмуи Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги изчил ривожланиш бораётган савдо-иқтисодий муносабатларнинг муҳим бўлишини таъкид қилди. 2002 йилда «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» ўртасида газ соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган. У 2012 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон газини харид қилиш, юртимиздаги газ конларини ўзлаштиришда иштирок этиш, газ-транспорт инфра-тузилмасини ривожлантириш, Ўрта Осиё газини мамлакатимиз ҳудуди орқали

бирлаштирган. Бундай йирик компания билан ҳамкорлик қилиш Ўзбекистон учун ҳар томонлама фойдалидир. Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан «Газпром» ҳам манфаатдор. Компания мамлакатимизда газ қазиб олиш ва газ савдоси ҳажмини ошириш, соҳага сармога жалб этиш, газ сановатидаги хусусийлаштириш жараёнида янада кенг иштирок этиш ниятида.

Оқсаройдаги учрашувда «Ўзбекнефтегаз» билан «Газпром» ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон газ сановатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутаяётгани таъкидланди. А.Миллер самими қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Сўхбат чоғида янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Пахтакор туманидаги Мингчинор қишлоғи йил сайин кенгайиб, обод бўлиб бораёттир. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқда юздан зиёд хонадон ахли янги уй қуриб, ҳовли тўйларини ўтказди.

МИНГЧИНОРДА ҲОВЛИ ТўЙЛАРИ

Дала ишлари қамайиши билан қишлоғимизда тўйлар кўпаяди, - дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шермат Урозов. - Келин тушириш, қиз чиқариш ҳар бир инсон учун катта бахт, албатта. Аммо бу тантаналар қаторига уй тўйларининг қўшилгани одамларнинг турмуши фаровонлашаётганидан далолатдир.

Вилоятимизда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида фермерлик ҳаракати катта эътибор берилши натижасида аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб бораёттир. Ҳозир ҳудудимизда 147 та фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатаяпти. Уларнинг ҳаммаси ўтган йили давлатга пахта, галла сотиш шартнома режаларини бажарди. Фермер ҳўжаликлари аъзоларининг даромади ёмон бўлмади. Бундан ташқари қишлоқда 17 та хусусий дўкон, 15 та тегирином, 3 та гўшт дўкони, 3 та чойхона ишлаб турибди. Беш қўл барабар эмас, ҳаётда ўзгалар кўмағига муҳтож одамлар ҳам бор. Бундан бизнинг қишлоғимиз ҳам мустасно эмас. Аммо улар ҳеч қачон ёлғиз ташлаб қўйилмайди.

Айниқса, Президентимиз 2006 йилни Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилгани бу ишларга янги мазмун бағишлади. Оқсоқолларимиз, қишлоғимиз фаоллари ва мулкдорларимиз билан маслаҳатлашиб, ҳудудимиздаги 38 та кам таъминланган оилага фермерларни ҳомий қилиб белгиладик. 72 нафар ногирон ҳам мулкдор ҳамқишлоқларимизнинг ҳомийлигига олинди. Қишлоғимиздаги мактаб, болалар

боғчаси, шифохонанинг ҳомийлари билан ҳам бу муассасаларда амалга ошириладиган тадбирлар режасини белгилаб олдик.

Қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқолларининг кенгашида Ҳомийлар ва шифокорлар йилида режалаштирилган ишлар амалда ўз ифодасини топаёттир. Қишлоқдаги «Гўзал» болалар боғчасини ўз ҳомийлигига олган шу номдаги фермер ҳўжалиги муассасани арзон нарҳда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб турибди. Ўтган йили етиштирилган пахта ҳосили учун ҳақ олаётган фермерлар ўз ҳамқишлоқларига бегарас мадад қўлини чўзмоқда. Биров қиз чиқарганга қарашса, бошқа биров келин тушираётганга ёрдам кўрсатаёттир.

Жиззах вилоятининг барча қишлоқларида ижтимоий муассасаларга, кам таъминланган оилаларга ҳомийлик қилиш истагини билдираётган олий ҳиммат тадбиркор ва фермерлар кўпайиб бормоқда.

КАСБГА САДОҚАТ

Ҳар бир шифокор одамлар дардига малҳам бўлиш, уларни даволаш, саломатлигини мустақамлаш, уларнинг юксак бурчи деб билади. Айниқса, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида бу масъулият янада ортади. Агар бемор ҳарбий бўлса, унда ўша бурч, шўбҳасиз, юксалса, Бонси шукки, бунда у аввало Ватан ҳимоячисини даволайди.

Биз, одатда, ҳарбийликни эркаклар иши, деб қараймиз, Ватанини ҳимоя қилишдек юксак вазифа йиғит киши зиммасида, деб тушунамиз. Оилани саранжом-саришта сақлаш, фарзандларни ақли, имли қилиб ўстиришни эса аёл кишининг юмуши деб ҳисоблаймиз. Мухайё Нейматова эса буларнинг ҳаммасини ўз иши деб билади. У Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий батальон тибқиёт пунктининг санитар-йўрқчиси, бошба

(ЎЗА)

Бозор талаби — қатъий ФЕРМЕРГА ҚАНОТ бахш этган омил

Истикболсиз, ночор ширкат ҳўжаликлари негизда янги фермер ҳўжаликлари ташкил топди. Қишлоқ мулкдорларини ўз атрофига жипслаштириб, уларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилиш, ҳаракат бирлигини таъминлаш касаба уюшмаларининг долзарб вазифаларидан биридир.

Фермерларни соғин сир, деб ўйлайдиган, уларнинг қўлига қараб турадиган, ҳамма нарсани ўз қарчи билан ўлчайдиган мутасаддилар ҳам бор. Нодир Исомитидинов ана шундай раҳбарлардан жабр кўрганлардан. У асос солган «Наврўз» фермер ҳўжалиги ўтган йили тугатилган ширкат ҳўжалиги ҳудудида фаолият юритаётганди.

Ер эгасини топанлиги бир йилдаёқ аён бўлди. Фермер трактор панд берганда от арагани ишга солиб, минерал ва маҳаллий ўғит ташиди. Йил ўн икки ой қўлидан кетмонни туширмай, қатор ораларини юмшати, тунлари ниҳолларни кўтарма насос ёрдамида оби-ҳаётга қондирди. Тер тўкканга дур тўкман, дер экан ер. Гектаридан адр шароитида 20 центнердан «оқ олтун», салкам 60 центнердан дон етиштириб, шартномавий режаларини зиёди билан ўринлади. Мана, энди галла ҳақини ололмади «Ғалабанк», пахта ҳақини ололмади пахта тозалаш корхонаси орасида сарсон. Бириси нақд пул йўқ, иккинчиси ҳисоб-рақамиде маблағ етишмайди, деган баҳонани рўқач қилди.

Ана шу муаммолар билан тарвузи қўлтигидан тушиб турганида, касбдошлардан бири туман фермерлар уюшмаси ҳузурда яқинда иш бошлаган касаба уюшма ташкилотига учрашишни маслаҳат берди. Вақил Иброҳим Савронов билан яқинда учрашиб, ўзаро шартнома имзоланганлиги, ишловчиларга ўз вақтида машоларини бериш, уюшма эса ўз навбатида фермерликни ҳақ-хуқуқларини ҳимоялашда кўмаклашиши ҳақида ахдлашганларини эслади.

(Давоми 3-бетда)

АЁЗЛИ КУНЛАРДА чорвадорлар ёлғиз эмас

Қишининг аёзли кунларида қорақалпоғистонлик чорвадорлар қишлоқни беталафот ўтказишга ҳаракат қилишмоқда.

Қораўзақ туманидаги «Қорақалпоғистоннинг 40 йиллиги» ширкат ҳўжалиги чўпонлари ҳам бу йилги қишлоғга пухта ҳозирлик қилишган. Ширкат ҳўжалиги бу йилги қўзлатиш мавсумида 5 минг 379 бош соғлом қўзи олиб, бу борадаги шартнома режасини 102 фоизга удралди. Қўзиларнинг 80 фоизи ўстиришга қондирилди. Айни пайтда ҳўжаликдаги 24 та отарда 15 минг бошдан ортқ қўй-қўзи боқилаяпти.




Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги «Бўстон» қишлоғи мустақиллик йилларида тубдан ўзгарди. Қишлоқда ўндан ортқ ишлаб чиқариш корхоналари, маданий-маиший иншоотлар фойдаланишга топширилди. Яқинда 3,5 минг аҳолига хизмат кўрсатадиган қишлоқ врачлик пункти ишга тушгани боис, қишлоқ ахлининг узок йўл босиб, туман марказига қатнашиш ҳожақ қолмади.

ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Тумандаги «9-кўчма механизациялашган жамлама» корхонаси тиббиёт масканини қисқа вақт ичида қуриб битказди. Қурилиш-монтаж ишлари, шифо масканини зарур асбоб-ускуналар билан таъминлашга 50 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Бу ерда аҳолини тиббий қўриқдан ўтказиш ва даволаш учун етарлиқ шарт-шароитлар яратилган. Айни пайтда терапия, оналар ва болалар, физиотерапия, стоматология, ташхис қўйиш бўлимларида 10 нафардан ортқ малакали врач ва ҳамшира аҳолига тиббий хизмат кўрсатамоқда.

Ана шундай эзгу мақсад-

ОРЗУЛАРИ ОСМОНДЕК ЮКСАК



Ҳар бир йиғит-қизда келажакка бўлган ҳавас, эл назарига тушиш борасидаги эҳтирослар, ким бўлсам экан, деган умид учунлари айнан усмирлик даврида қўяди. Ва бу ҳаётини мисоллар орқали ўзинча мушоҳада қилиб, аниқ бир қарорга келади. Эҳтимол, ота-онасининг маслаҳатларини асқотар. Нима бўлганда ҳам, айни чоғда аниқ бир режа асосида ҳаракат қилаётган бугуннинг ёшлари эртанги фаровон турмушимизнинг ҳақиқий эгалари ҳисобланиши шўбҳасиздир.

Ана шундай эзгу мақсад-

Жамоа шартномаси қандай бажарилмоқда?

Ҳар қандай корхонада ишнинг пировард натижаси биринчи галда меҳнатқашларнинг манфаатдорлиги билан белгиланади. Чунки ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳодимларнинг меҳнатга муносабатига боғлиқ. Самарқанд Аэрогеодезия корхонасида эса иш хусусияти алоҳида тусга эга. Бунинг боиси шундаки, корхона ҳодимларининг қарийб 70 фоизи доимо олис манзилларда иш олиб боришади. Вақти усулидаги фаолият ҳодимларга кўпроқ ғамхўрлик кўрсатишни таказо этади.

Корхонамиз мутахассислари Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ҳудудларида иш олиб боради. Баъзида ойлаб хизмат сафарига бўлишга тўғри келади. Шунинг учун ҳодимларга яшаш ва иш шароитини яратиб бериш биз учун жуда муҳим. Иккони борича вақтанинг бошидан охиригача бўлган давр учун ижарага турар-жой олиб берилади. Агар дала шароитига тўғри келса, палаткаларда яшайдилар. Ҳар қандай ҳолатда ҳам зарур бўлган барча нарсалар корхона ҳисобидан етказиб берилади. Бу ерда асосий мутахассис ҳодимлардан ташқари лаборантлар, операторлар, чилангарлар, таъмирчилар ва ҳоказо хизмат кўрсатувчи соҳа ҳодимлари меҳнат қилишади. Уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш касаба уюшма ва маъмуриятнинг доимий эътиборида. Шу боис корхона барқарор фаолият кўрсатиб келмоқда.

МАНФААТДОРЛИК — ИШ УНУМИ ГАРОВИ

Бу борадаги барча тадбирларни энг аввало жамоа шартномасида асослаб амалга оширялғимиз. Унда қайд этилган мажбуриятларнинг бажарилиши маъмурият ва касабга уюшма ташкилоти мунтазам назорат қилиб боришади. Йилда бир марта меҳнат жамоасига ҳисобот берилади. Бунга қадар эса ҳодимларнинг бу ҳақдаги фикр-мулоҳазалари ўрганилади, тақлифлари умумлаштирилади. Шу боис жамоа шартномасини пухта ва амалий бўлишига эришилади. Фикрини асослаш учун баъзи рақамларни келтирмоқчиман. Ўтган йили корхонамизда меҳнат муҳофа-

И. ПИРНАЗАРОВ, Самарқанд Аэрогеодезия корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси

“Дардинг бўлса ҳам, қарзинг бўлмасин”, “Қарздорнинг қосақи оқармас”, деган ибораларни ҳаммамиз эшитганимиз. Лекин унга ҳамшира ҳам риоя қилаемизми?

Давлат ҳазинасининг асосий манбаини ташкил этувчи солиқ тизимидеги энг катта муаммолардан бири ҳам худди ана шу боқиманда қарздорликдир. У биргина қарздор корхона ишлаб чиқаришига зарар етказиб қолмасдан, мамлакат иқтисодийётига, режа тадбирларининг бажарилиши, иқтисодий-ижтимоий тадбирларнинг амалга оширилишига салбий таъсир кўрсатади.

БОҚИМАНДА ҚАРЗ ҲАМ ДАВЛАТГА, ҲАМ ЭЛГА ЗИЁН

Давлат ҳазинасига зарар етказувчи қарздорларда қарздорлик балоси жуда ҳафсли. Бунинг оқибатини ўйламай, у келтириб чиқарилган қосақотларни тўла ҳисоботларда кўрсатмасдан яширишга ҳаракат қиладилар, бу борада турли йўللар, усулларни ҳам излаб топадилар. Ахир, яширилаётган маблағ кимга тегишли, давлатгами? Давлат кимники, ўзимизникими? Ана шу маблағлар ҳисобига қанчадан қанча тадбирлар амалга оширилганлиги, улар қандай саваб ишларга сарфланаётганлигидан ўша раҳбарлар хабардорми?

Таҳлил

Яна бир қатор сабаблар, хомқаўлар, жулудан ҳисоботларни белгиланган муддатдан кечиктириб топшириш, ҳисоб рақамига тушган пул маблағларини турли йўллар билан қўлга тутилган мақсадларга ишлатиб юбориш ва ниҳоят бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаслик ҳам боқиманда қарздорликка сабаб бўлади. Буларнинг ҳеч бири на корхонага, на раҳбарга зигирчилик наф келтирмайдир. Фақат бугунги ўйлайдиган, қорхонанинг келажакда, унда ишлайдиган ишчиларнинг тақдирини билан қизиқмайдиган раҳбарларгина бундай қалтис ишларга қўл уришлари мумкин.

Қарши шаҳридаги «Давр» темирбетон сарвиз масъулияти чекланган жамиятининг бугунча давлат бюджетидан қаран 144,5 миллион сўмини ташкил этади. Энди бу рақамга эътибор беринг. Ииллар давомида тўланган қарзнинг пеняси қарздан ҳам кўпайиб 167,2 миллион сўмга етган. Эшагидан тушови қиммат деб шунга айтсалар керак-да! Вилоят «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси эса давлатдан роппа-роса 502,1 миллион сўм қарздор. Пеня ҳам ўсиб-ўсиб қарийб 300 миллион сўмга етган. Шаҳрисабз шаҳридаги 31-Фазор туманидаги 25/32 сонли автожамланмаларда ҳам боқиманда қарздорлик, шунинг билан бир қаторда пенялар миқдори ҳам кун сайин ошиб бораётти. Бундай аҳвол бюджет кўрсаткичлари бажарилишига салбий таъсир кўрсатиши турган гап.

(Давоми 2-бетда)



қарилган ун маҳсулоти асосан, Хоразм вилояти аҳолисига жўнатилади. Шунингдек, акциядорлик жамияти қошидаги «Иссиқ нон» қўшма корхонаси мана тўққиз йилда фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган нон ва нон маҳсулотлари ҳамisha харидорлиги билан эл назарига тушган.

Суратларда: ун қоплаш бўлими ишчиси Гулистон Жумабоева; «Иссиқ нон» қўшма корхонасида.
Р. ЖУМАНИЕЗОВ (Ўза) олган суратлар.



Кўпнинг дуоси вожиб

«Шовот дон маҳсулотлари» очик акциядорлик жамияти аъзолари янги йилни зўр кўтаринчилик билан бошлаб юбордилар. Астойдил меҳнат қилаётган ушбу корхонанинг цех ва бўлимларида бўлганимизда, иш нечоғлик қизгин кетаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Тегирмон, янчиш ва элаш бўлимларида, шунингдек, унни қоплаш бўлимида иш авжида. Жорий йилда корхонада 16 минг 500 тоннадан ортиқ ун ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Кувонарлиси шундаки, «Шовот дон маҳсулотлари» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган уннинг сифати аъло даражада бўлиб, харидорларнинг таъсирини сезиб олиш билан келмоқда.

Корхонада ишлаб чи-



БОҚИМАНДА ҚАРЗ

ҳам давлатга, ҳам элга зиён

(Боши 1-бетда)
Қарздор корхона раҳбарлари наҳот бюджетдан маблағ билан таъминланган бўлса ҳам давлат корхоналари, мактаблар, шифоналар, уларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар, нафақахўрлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилалар турганлигини дилдан ҳис этмасаларми?

Шарқ мамлакатларида халқ азалдан солиқларга, турли тўловларга алоҳида эътибор, ҳурмат билан қараб келган ва бу соҳадаги ўз маъсулиятини ангаган. Қашқадарёлик солиқ тўловчилар ҳам ота-боболарининг ана шу қадимий аъёнанага ҳамisha солиқлар билан давлат хазинаси эканлиги, йиғилаётган маблағлар қандай улғувор ишларга сарфланиши ҳеч кимга сир эмас.

Шуқрим, бизда халқ, ватан манфаатини шараф деб англаётган маданиятли, интизомли солиқ тўловчилар оз эмас. Йирик корхоналар мисолида айтгандай бўлса, «Шўртанқимёв» мажмуаси ўтган йили бюджетга 15 миллиард 290 миллион сўм солиқ ва тўловларни амалга оширди. Бу борада Қарши ёғ-экстракция ОАЖ шаклидаги қўшма корхона, «Шаҳри-интернейшн» маъсулияти чекланган жамиятларини ҳам ҳурмат билан тилга олмақ ўринлидир. Улар солиқларини доимо белгиланган муддатларда тўлаш, қарздорликка йўл қўймаслик чораларини кўрадилар.

Дунё ҳисобли, ҳар бир сўмининг ўз ўрни бор. Солиқ ва тўловлар ихтиёрий равишда тўланмагани, ҳеч шубҳасиз уларни мажбурий ўндириш чоралари қўрилади. Корхонанинг ҳисоб рақамидеда маблағ бўлмаган тақдирда, тўлов унинг мол-мулкига қаратилади. Мол-мулк «Ким ошди» савдоси орқали сотилиб, давлат бюджетидеда қарздорлик ана шу ҳисобдан қопланади.

Ўтган йили вилоятда боқиманда қараларни қисқартириш борасида талайгина муҳим ишлар амалга оширилди. Қарздор ташкилотларнинг банклардаги ҳисоб рақамларига қўйилган инкасса топшириқлари орқали 60 миллиард 509,7 миллион сўм, қарздор корхоналарнинг дебитор қарздорлиги орқали эса 14 миллиард 347,2 миллион сўм ҳамда ҳўжалик суди қарор-

лари билан 14 миллиард 20 миллион сўм ўндириб олинди. 506,2 миллион сўм маблағ бюджетга қарздор ташкилотларнинг мол-мулкини сотиш орқали туширилди.

Шу ўринда яна бир муҳим масала диққатга молик. Баъзи раҳбарлар корхонанинг қарзлари мол-мулкка қаратилгунча қадар узок муддатга беаъро, бамайлихотир сукут сақлаб юрадилар. Аҳвол сўнгги даражага етиб, хизмат хоналаридаги қимматбаҳо жиҳозлар, миниб юрган замонавий машиналари рўйхатга олинган, бу ёғи қандай бўлди, деб ваҳимага тушиб қолади.

лар ва ҳайратланарлиси шундаки, бир неча ойлаб халқ этилмасдан ётган маблағни топдилар ҳам. «Тавба, бунинг имкони бор экан, шунчалар сарсон-саргардончиликнинг нима хожати бор эди?» дея ажабланасан киши. Ўтган йили муддати ўтган қарздорликлар сабабли 964 та корхона ва ташкилотга нисбатан банкротлик тамойиллари асосида иш бошланди. Улардан 252 таси банкрот деб эътироф этилиб, давлат рўйхатидан чиқарилди.

Қашқадарё катта ва улуг тантаналар арасида турибди. Бу йил Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, улуг саркарда Амир Темур бобомиз туғилган кунининг 670 йиллиги, республика мактаб ўқувчиларининг «Умид нихоллари» мусобақалари ҳам айнан шу ерда ўтказилди. Айни вақтда бунга ҳар томонлама қизгин тайёргарлик кўрилушмоқда ва катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти. Булар оз-мунча маблағни талаб этади-ми? Қўллар қатори вилоят солиқчилари ҳам бунди дилдан ҳис эътиятлар. Юқорида биз 2005 йилда давлат хазинасига 202 миллиард 872 миллион сўм маблағ туширилганини тилга олдик. Бу режада кўзда тутилганидан 5,6 миллиард, 2004 йилдагига қараганда эса 66,2 миллиард сўм кўп демаяқ. «Арғамч қил қувват» деганларидек, бу солиқчиларнинг ана шу тантаналарга муносиб тўхталаридир.

К.ЭГАМБЕРДИЕВ,
Қашқадарё вилоти давлат солиқ бошқармаси матбуот хизмати раҳбари

Бу йилги қиш мавсуми Қизилқум чорвадорлари учун бироз қаттиқ келди. Қалин қор тушгани боис қўй-қўзиларни яйловга олиб чиқишнинг иложи йўқ. Ана шундай вазиятда чўпонлар чорвани қишдан талофатсиз олиб чиқиш учун қандай чора кўрмоқдалар?

СИНОВ ПАЛЛАСИ

«Навийқоракўл» бирлашмасидан олинган маълумотга кўра, ҳозир Навоий вилотида бир миллион бошдан ортиқ қўй-қўзи, 11 минг бошга яқин от ва туя, 800 бош қорамол параврши қилинмоқда. Чорва қишлари учун 150 минг тонна дағал хашак, жумладан, 1700 тонна пичан, 300 тонна силос жамғариб қўйилган.

Вилоят қоракўлчилик бирлашмасига қарашли 33 ширкат ҳўжалигига қўшимча равишда 685 тонна шрот, 692 тонна шўхта, 550 тонна омухта эм этказиб берилади. Мавсумда чўпонлар иссиқ кийим-бош, озик-овқат билан тўлиқ таъминланган. Қоракўлчилик ҳўжаликлари қўшимча 652 нафар ишчи кучи, 107 та трактор, 82 та хашак майдалаш техникаси билан таъминланди. Шу боис, қишлов беталофат ўтапти.

Тоза ва озода ҳейларда ҳаёт қайнайд. Ишлаб чиқариш беги бошқарма Чоршанба Сувонов билан иш жараёнини кўздан кечирдик. Пайвандчи

Бугунги кунда юртимизда россиялик шериклар билан ҳамкорликда 441 та қўшма корхона фаолият кўрсатаёпти. Қарши Давлат университети иктисодиёт назарияси кафедраси мудири, Россия гуманитар фанлари академияси академиги Норбой Узоқовнинг таъкидлашича, бултур ҳар иккала давлат ўртасидаги товар айланмаси ҳажми 38,4 фоизга кўпайиб, 1 миллиард 337,1 миллион долларни ташкил этади. Бунга Қашқадарё вилоти мисолида ҳам қўриш мумкин.

Бешкент шаҳри ўзининг қўлигул ҳўнармандлари, темирға жон қиритиладиган моҳир дегрезлари, замонавий дастгоҳларни усталик билан бошқараётган малакали ишчилар билан воҳода машҳур. Бир вақтлар муҳандис Исмоил Бозоров тракторга ерга чуқур ишлов берадиган қўшимча қисмларни тайёрлаб, иктирочилик патентини қўлга киритганлигини қаршиликлар ҳамон эслашади.

Истиқлол йиллари қишлоқ ҳўжалигида янги технологияларни ўзлаштириш соҳасида қувончли ютуқларга эришилди. Россиянинг «Оренбургская проблемная лаборатория» ва «Рустож» маъсулияти чекланган жамиятлари билан биргаликда «Радиатор» қўшма корхонаси ташкил этилиши иктисодий ривожлантиришда муҳим қадам бўлди. Қирқ киши меҳнат қилаётган янги корхона турли хил қишлоқ ҳўжалиги техникалари, транспорт воситалари учун ўта зарур ҳисобланган эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариб, воҳода радиатор тақчиллиги муаммосини хал этишга муносиб хисса қўшмоқда.

Тоза ва озода ҳейларда ҳаёт қайнайд. Ишлаб чиқариш беги бошқарма Чоршанба Сувонов билан иш жараёнини кўздан кечирдик. Пайвандчи

Мурод Хидиров ҳар бир юмушни юқори сифати адо этади. Мисгарлар Умид Жўраев, Соҳиб Раҳимов, Ҳасан Ҳазраткулов, Раҳим Сувонов, Фарҳод Шерзаевлар, Муродилла Хидировларнинг қўли-қўлига теғмайди.

Шартнома мажбуриятларини бажариш қатъий назоратда. Маҳсулот ишлаб чиқариш бир йилда икки баробарга кўпайди. Бошқа техника воситалари қатори «Магнум», «Клас», «Кей» агрегатлари учун радиаторлар тайёрлаш ва таъмирланиши истеъмолчиларнинг узогини яқин, мушкулсини осон қилди. Эндиликда фермерлар ушбу маҳсулотни излаб, Тошкента қатнаб юришмайди. Бошқача айтганда бу ерда нари арзон, сифати яхши, хорижийликдан қолшимайдиган эҳтиёт қисмлар тайёрланаётганлиги ҳамма манзур бўляпти.

Бултур 1100 дан ортиқ радиатор тайёрланди, буюртмаликлар етказиб берилиб, дейди биз билан суҳбатда цех бошлиғи. — Янги маҳсулот ҳамми 300 миллион сўмликдан ошиб кетди. Энг муҳими россиялик ҳамкор-

Ўзимизда ишлаб чиқарилган

лар зиммаларидаги мажбуриятларни бекам-қўст бажариб келишляпти. Корхона улардан радиаторлар учун мис қувурчалари олишади. Қолган қисмлар шу ерининг ўзида тайёрланади. Қўшма корхона мамлакатимизда

нат хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилинади. Кам таъминланган оилалар ва фахрийларга моддий ёрдам уюштириб бориляпти.

Россия сармоиси иштирокида тузилган қўшма корхоналар озик-овқат, дори-дармон, электротехника, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, ёғочни қайта ишлаш, нефт-газ ишлаб чиқаришга иктисослашган бўлиб, мамлакатимиз иктисодий салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутуди. Китеб туманидаги «Кашангара» қўшма корхонаси камёб қурилиш материаллари-том ёғичлар тайёрлашни йўлга қўйиб, яна бир қатор истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш арасида турибди.

Вилоят савдо-саноат палатаси бошлиғи Р.Қодировнинг таъкидлашича, Россия Федерациясида «Қарши-Курск» савдо уйи очилиб, халқ истеъмол моллари сотилади. Иктисодий шерикчилик асосида келгусида мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва экспорт қилиш, насос станцияларини зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, ёғочдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича инвестицион лойиҳалар тўзилапти.

Хуллас, тадбиркорлик алоқаларининг кенг йўлга қўйилганини ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасида азалий ва абадий дўстлигини ривожлантиришга хизмат қилапти.

И.ХИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

БЕШКЕНТ РАДИАТОРИНИНГ ДОВРУҒИ



Мурод Хидиров ҳар бир юмушни юқори сифати адо этади. Мисгарлар Умид Жўраев, Соҳиб Раҳимов, Ҳасан Ҳазраткулов, Раҳим Сувонов, Фарҳод Шерзаевлар, Муродилла Хидировларнинг қўли-қўлига теғмайди.

И.ХАСАНОВ,
«Ишонч» мухбири

Ёш авлоднинг баркамол инсонлар этиб тарбиялаш вазибаси ўқитувчи-мураббийлардан катта кўч. Ўз касбига маъсулият билан ёндошишни талаб этмоқда. Бу йилда уларга тармоқ касбаба уюшма ташкилотлари яқин кўмакчи, мустаҳкам сўянчиқ бўлмоқда.

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК ОШМОҚДА

Хива туман таълим ва фан ходимлари касбаба уюшма кенгаши соҳа вакилларининг ижтимоий-иктисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясиз сифатида ибратли фаолият кўрсатмоқда. Кенгаш тасарруфида 35 та бошланғич касбаба уюшма қўмитаси, 83 та цех ташкилоти мавжуд бўлиб, уларга 7153 нафар аъзо бирилашган. Улар ҳудуддаги 57 та умумтаълим мактаби, 52 та мактабгача ва 9 та мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқибётган ўғил-қизларни камолга етказишга муносиб хисса қўшиляпти. Халқ таълими бўлими ва тармоқ ходимлари касбаба уюшма кенгаши ўртасидаги келишувга асосан бошланғич ташкилотлар маъмуриятлар билан жамоа шартномаларига асосланиб иш олиб боришмоқда.

Мазкур муҳим меъёрий ҳужжатларда ходимлар савдо-саноатлигини мустаҳкамлаш-

МИЛЛИЙ МАФКУРА ТАРҒИБОТИ

Ёшларни миллий истиқлол гоёларига содиқлик руҳида тарбиялаш борасида Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан олийгоҳ Биришлан қасбаба уюшма қўмитаси ҳамда Маънавият ва маърифат бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ҳарбий соҳа вакиллари иштирокидаги тадбир айни шу максдадга хизмат қилди.

Шарафли касб эгаларининг миллий армиясиз бўлиши ва эртаси, ҳарбийлар ҳаёти ҳақидаги қизиқарли сўбатлари талабаларда катта таассурот уютди. Шундан сўнг Чирчик Танк олий ўқувхонаси қўмондонлик муҳандислик билим юрти фаолиятдан ҳикоя қилувчи фильм намойиш этилди. Талабалар томонидан тайёрланган бадиий дастур унрашува байрамона кўтаринчилик башляпти.

Олийгоҳнинг «Шарқшунос» ва Тошкент Молия институтининг «Молиячи» жа-

моалари ўртасида бўлиб ўтган интеллектуал ўйин эса ёшлардаги мустанқил фикрлаш, сиёсий билим даражасини синовдан ўтказди. Узро беллашуvida қизгин баҳс-мунозара тарзидаги кураш ҳўкрмонлик қилди. Беришган ҳар бир савдога иштирокчилар Президентимиз асарларида олға сурилган фикрлар асосида жаваб қайтаришди. Уларнинг зуқулгоги ва кенг дунёқараши томошабинларда эртаси эгаларига нисбатан ишончли мустаҳкамлади.

Т.ШЕРНАЕВ,
«Ишонч» мухбири

СИФАТ — БОШ ОМИЛ
Андижон вилотидаги ўн тўртта корхонага сифат менежменти жорий қилинди

